

Бақара сураси, 54-оят

09:10 / 02.09.2017 3539

Мусонинг ўз қавмига: «Эй қавмим, албатта, сиз бузоқни (илоҳ) тутишингиз ила ўзингизга ўзингиз зулм қилдингиз. Энди сизни йўқдан бор қилувчи Зотга тавба қилинг, ўзингизни ўзингиз ўлдилинг. Шундай қилмоғингиз сизни йўқдан бор қилувчи Зот ҳузурида сиз учун яхшидир. Бас, У тавбангизни қабул қилди. Албатта, Унинг Ўзи тавбани кўплаб қабул қилувчидир, ўта раҳмлидир», - деганини эсланг! Бақара 54.

Бузоқни худо деб тутиш инсон учун, унинг ақли учун нақадар улкан ор бўлишига қарамай, Бану Исроил ўз табиатидаги бузуқликдан келиб чиқиб, шу ишни ўзига эп кўрди ва бу билан ўзига ўзи зулм қилди. Энди қиёматгача бу ор уларга айб бўлиб қолади.

Ушбу ояти кариманинг аввалида Мусо алайҳиссалом Бану Исроилнинг ёдига мазкур нобакорликларини солмоқдалар:

«Эй қавмим, албатта, сиз бузоқни (илоҳ) тутишингиз ила ўзингизга ўзингиз зулм қилдингиз».

Шундай катта айбни ҳам Аллоҳ Ўз фазли ила кечириб юбориши мумкин. Шунинг учун Мусо алайҳиссалом ўз қавмини йўқдан бор қилувчи Зотга тавба қилишга чақиряптилар:

«Энди сизни йўқдан бор қилувчи Зотга тавба қилинг, ўзингизни ўзингиз ўлдилинг. Шундай қилмоғингиз сизни йўқдан бор қилувчи Зот ҳузурида сиз учун яхшидир».

Биз «йўқдан бор қилувчи Зот» деб таржима қилган ибора матнда «Бориъ» деб келган. Бу Аллоҳнинг сифатларидан бири бўлиб, «Махлуқотларни тафовутдан холи қилиб яратувчи Зот» деган маънони билдиради. Бану Исроил томонидан содир этилган гуноҳ ҳаддан ташқари катта бўлганлиги учун унинг тавбаси ҳам ўзига яраша оғир бўлмоқда, у ҳам бўлса – ўзларини ўзлари ўлдириш. Бу – ҳар ким ўзини ўлдириши, дегани эмас, балки Бану Исроил қавми аъзоларининг бир-бирларини ўлдиришидир. Аниқроғи, ривоятларда келганидек, бузоққа ибодат қилмаганлар унга ибодат қилганларни ўлдиришидир. Бану Исроилга ўхшаш табиати бузуқ

қавмларнинг тарбияси учун шунга ўхшаш қаттиқ чоралар зарур. Улар мазкур ишни қилдилар. Яъни ўзларини ўзлари ўлдирдилар. Шундан сўнггина Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул этди.

«Бас, У тавбангизни қабул қилди. Албатта, Унинг Ўзи тавбани кўплаб қабул қилувчидир, ўта раҳмлидир», деганини эсланг!»

Бу ҳам Аллоҳ таолонинг Бану Исроилга берган улкан неъматидир.

Бу оятдан гуноҳни ким қилишидан қатъи назар, жазосиз қолмаслигини билиб оламиз.